Элим деб, юртим деб, ёниб яшаш керак

# Туркистон

1925 йилдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ «КАМОЛОТ» ЖАМҒАРМАСИ ГАЗЕТАСИ

1997 йил 23 июль Чоршанба. № 57 (14449)

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ*

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ҚОШИДА ЮРИСТЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ МАРКАЗИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ҳуқуқий тарбияни яхшилаш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти даражасини юксалтириш, ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, жамоатчилик фикрини ўрганиш ишини яхшилаш ҳақида»ги 1997 йил 25 июндаги ПФ-1791 сонли Фармонига мувофиқ ҳокимият ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг юқори малакали кадрларга бўлган эҳтиёжини қондириш, замонавий билимлар асосида ҳуқуқшунос ходимларнинг касбий тайёргарлигини ҳамда уларни қайта тайёрлашни тубдан яхшилаш, шунингдек, ҳуқуқшунослик соҳасидаги илмий тадқиқотларнинг савиясини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси

**қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошида адлия ва суд органлари ходимларининг малакасини ошириш институти негизида Юристлар малакасини ошириш маркази ташкил этилсин. Унинг тузилмаси, устави тасдиқлансин.

2. Юристлар малакасини ошириш маркази раҳбарияти директор ва унинг икки ўринбосаридан иборат таркибда тасдиқлансин.

3. Белгилаб қўйилсинки, Юристлар малакасини ошириш марказида:

— адлия, суд, прокуратура, адвокатура ҳамда ҳокимият идоралари, мулкчилик шаклидан қатъий назар корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар юридик хизматининг олий маълумотли ходимлари, шунингдек, ҳуқуқшунослик фани ўқитувчилари 3 ойлик курсда қайта тайёрланадилар ва малака оширадилар.

— Ёш мутахассислар ва раҳбарлик лавозимига заҳирага олинган ходимлар 6 ойлик курсда ўқитиладилар;

— маълум тоифа кадрлар учун қисқа муддатли ўқишлар ташкил қилинади;

— ўқув курсини муваффақиятли тугатган тингловчиларга белгиланган намунадаги гувоҳнома ва уларнинг иш жойига тавсифнома берилади;

— ҳуқуқшунослар орасида кадрлар сиёсатини такомиллаштириш борасида тавсиялар ишлаб чиқилади;

— ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш ва малакасини ошириш масалалари юзасида халқаро ташкилотлар билан алоқалар амалга оширилади;

— ҳуқуқшунослик соҳасида олиб борилаётган илмий-тадқиқот ишларини таҳлил қилиш, уларнинг савияси ва самарадорлигини оширишга қаратилган тавсиялар ишлаб чиқилади.

4. Марказ тингловчилари учун ўқиш давомида уларнинг асосий иш жойларидаги иш ҳақлари ва лавозимлари сақланиб қолинади. Жойлардан келган тингловчиларга амалдаги қонунчиликка мувофиқ суткалик, ўқиш манзилига келиш ва қайтиб кетиш харажатлари тўланади, шунингдек улар ётоқхона билан таъминланадилар.

5. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда мазкур марказда ўқитиш, қайта тайёрлаш ва малака ошириш тартиби тўғрисидаги Низомни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

6. Марказнинг профессор-ўқитувчилари ва илмий ходимларига республиканинг олий ўқув юртлари ва илмий-тадқиқот муассасаларида амалда бўлган меҳнатга ҳақ тўлаш миқдорлари, бошқа ходимларга эса давлат ҳокимияти ва бошқарув идоралари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг амалдаги шартларига мувофиқ тариф ставкалари белгилансин.

7. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Адлия вазирлиги қошидаги Юристлар малакасини ошириш марказига шу йўналишдаги хорижий ва халқаро институтлар, ташкилотлар билан алоқаларни амалга оширишда ёрдам кўрсатсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига:

1998 йилдан бошлаб ҳар йили марказнинг буюртмасига мувофиқ хорижий мутахассисларни ишга таклиф этиш, марказ ходимларининг халқаро илмий-амалий анжуманларда иштирок этиши, шунингдек, даврий нашрларга обуна бўлишлари, хорижда чиқариладиган дарсликлар ва ўқув қўлланмаларидан олишлари учун, шу жумладан, эркин алмаштириладиган валюталарда;

— марказни асбоб-ускуналар, офис мебели, ташкилий-техника воситалари билан жиҳозлаш ва транспорт воситалари олиш учун;

— марказнинг фаолият кўрсатиши, шу жумладан мазкур қарор шартларига мувофиқ иш ҳақи, бино ва иншоотларни жиҳозлаш ҳамда капитал таъмирлаш, ўқув-услубий қўлланмалар ва илмий асарлар нашр эттириш учун тақдим қилинган ҳисоб-китобларга кўра зарур маблағлар ажратиш топширилсин.

9. Тошкент шаҳар ҳокимияти 2 ой муддатда республика Юристлар малакасини ошириш марказига зарур бино ажратиб, ўқув жараёни ҳусусиятларини ҳисобга олган ҳолда реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш ишларини амалга оширсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирлиги белгиланган тартибда марказни замонавий алоқа воситалари билан таъминласин.

11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 19 январдаги «Ўзбекистон Республикаси Адлия органлари ва судлари фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисида»ги 18-сон Қарорининг 2-банди ўз кучини йўқотган, деб ҳисоблансин.

12. Ушбу Қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Б. Ғуломов зиммасига юклатилсин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
1997 йил 21 июль

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҚАРОРИ*

## Ҳуқуқий маърифат тарғиботи Марказини ташкил қилиш ва ҳуқуқий адабиётларни аҳолига етказиб беришни йўлга қўйиш тўғрисида

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ҳуқуқий тарбияни яхшилаш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти даражасини юксалтириш, ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, жамоатчилик фикрини ўрганиш ишини яхшилаш ҳақида»ги 1997 йил 25 июндаги ПФ-1791 сонли Фармонига мувофиқ аҳолининг ҳуқуқий билими ва онгини юксалтириш, жамият аъзоларининг ҳуқуқий фаоллигини ошириш, ислоҳотларни янги мазмун билан бойитиш юзасидан олиб борилаётган ишлар давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан бири этиб белгиланганлигини инобатга олиб, Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:**

1. Тошкент давлат юридик институти ҳузурида ҳуқуқий маърифат тарғиботи Маркази ва Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимликлари адлия бошқармалари ҳузурида унинг минтақавий бўлимлари ташкил этилсин. Марказнинг тузилмаси ҳамда Устави тасдиқлансин.

2. Ҳуқуқий маърифат тарғиботи Марказининг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари қуйидагича белгилансин:

- мамлакатда ҳуқуқий таълим фаолиятини кучайтириш ва услубий жиҳатдан таъминлаш, аҳоли ўртасида ҳуқуқий билимларни тарғиб қилиш;

- аҳоли турли ижтимоий гуруҳларининг ҳуқуқий маданиятини ошириш, ҳуқуқий тарбия ва таълимнинг замонавий турларини татбиқ этиш борасида тавсиялар ишлаб чиқиш;

- аҳолининг ҳуқуқий билимини ошириш мақсадида янги қонунчилик ва меъёрий ҳуқуқий ҳужжатларни даврий умумлаштириш, уларни аҳолига етказиш учун Марказнинг минтақавий бўлимларига юбориш;

- ҳуқуқий таълимнинг ҳолатини умумлаштириш ва таҳлил қилиб бориш, бу соҳани такомиллаштириш юзасидан таклифларни ишлаб чиқиш;

- жойларда ҳуқуқий тарғибот ишларини мувофиқлаштириш;

- оммабоп ҳуқуқий адабиётларни, ўқув-услубий қўлланмаларни ва дарсликларни тайёрлашни мувофиқлаштириш;

- аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва савиясини оширишга қаратилган ташкилий-тарғибий ишларда жамоат бирлашмалари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ва илмий муассасалар билан ҳамкорлик қилиш.

3. Ўзбекистон Республикаси прокуратураси, суд, ички ишлар ва адлия идоралари, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва Фанлар академияси ҳуқуқий маърифат тарғиботи Маркази вазифаларининг амалга оширилишида унга яқиндан амалий ёрдам кўрсатсинлар.

4. Республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик Маркази, касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, Хотин-қизлар қўмитаси, «Камолот», «Маҳалла» жамғармалари ва бошқа жамоат бирлашмаларига аҳолининг ҳуқуқий билимларини ошириш юзасидан аниқ мақсадга йўналтирилган тарғибий ишларни амалга ошириш тавсия этилсин.

Мазкур масала билан боғлиқ бўлган оммавий, маърифий, тарғибий-ташкилий ишларнинг Ўзбекистон Телерадиокомпанияси ва бошқа оммавий ахборот воситалари томонидан кенг ёритилиши муҳим эканлиги таъкидлансин.

5. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ҳокимликларига ҳуқуқий маърифат тарғиботи Марказининг минтақавий бўлимларини зарур асбоб-ускуналар, офис мебели, ташкилий техника воситалари билан жиҳозлашда, ҳуқуқий тарғибот ишини юритишда яқиндан ёрдам кўрсатиш топширилсин.

Туман /шаҳар/ ҳокимликлари қошида жамоатчилик асосида ҳуқуқий маърифат тарғиботи Марказининг ҳудудий бўлимларини ташкил қилиш Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига топширилсин.

Ҳудудий-маърифат тарғиботи Марказининг туман /шаҳар/ лардаги минтақавий бўлими ишини ташкил қилиш, ҳуқуқий тарғибот ишларини мувофиқлаштириш туман /шаҳар/ ҳокимлари зиммасига юклатилсин.

6. Ҳуқуқий маърифат тарғиботи Маркази ва унинг минтақавий бўлимлари ходимларига давлат ҳокимияти органлари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг амалдаги шартларига мувофиқ тариф ставкалари белгилансин.

7. Ҳуқуқий маърифат тарғиботи Маркази ҳузурида илмий-оммабоп ҳуқуқий адабиётларни чиқариш бўйича идоралараро республика мувофиқлаштирувчи-услубий Кенгаш тузилсин.

Мазкур Кенгашга нашр этишга тавсия қилинган ҳуқуқий адабиётларни илмий-оммабоп адабиётлар мақомига киритиш ҳуқуқи берилсин.

8. Ҳуқуқий маърифат тарғиботи Маркази Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Республика Президенти Фармонлари ва фармойишлари, Олий Мажлис сессиялари ҳужжатлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари, вазирликлар ва идораларнинг меъёрий ҳужжатлари ва статистик тўпламларини олувчи ташкилотлар рўйхатига киритилсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси ҳуқуқий маърифат тарғиботи Марказини махфий бўлмаган босма асарлар ва китоб маҳсулотининг /ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий, тарихий/ назорат нусхалари юборилувчи ташкилотлар рўйхатига киритсин.

10. Оммабоп ҳуқуқий адабиётларни нашр этишни кўпайтириш ва уларни республика аҳолисига арзон нархларда сотишни йўлга қўйиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси мавжуд «Адолат» нашриёти моддий-техникавий негизини мустаҳкамлашга яқиндан ёрдамлашсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Давлат матбуот қўмитаси, «Китоб савдоси» Давлат ҳиссадорлик уюшмаси, «Матбуот тарқатиш уюшмаси» акционерлик жамияти билан биргаликда ҳуқуқий илмий-оммабоп адабиётлар, дарсликлар ва ўқув қўлланмаларини аҳолига 50 фоиз арзонлаштирилган нархларда сотиш тартибларини ишлаб чиқиб тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига тақдим этсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги Адлия вазирлиги буюртмасига мувофиқ ҳуқуқий маърифат тарғиботи Марказини жиҳозлаш, транспорт воситалари олиш ва фаолиятини ташкил этиш учун зарур маблағлар ажратсин.

13. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Б.Ғуломов зиммасига юклатилсин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
1997 йил 22 июль

*Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг олти йиллиги олдидан*

## ҲАШАР – ЭЛГА ЯРАШАР



Бугун юртимизни улкан қурилиш майдонига ўхшатиш мумкин. Жонажон юртимизнинг қаерига қараманг, қурилиш, бунёдкорлик ишлари авжида. Истиқлолимизнинг шонли олти йиллик тўйи арафасида Тошкент шаҳридаги Сергели туманида олтита йирик иншоот қуриб битказилиши кўзда тутиляпти. Қуйидаги репортажимиз ҳам ана шу ҳақда батафсил ҳикоя қилади.

Қурилиш майдонлари - тумандаги энг "қайноқ" нуқталардан ҳисобланади. Кўпқаватли турар жойлар, маҳалла гузарлари, мактаб, шифохона, савдо шоҳобчалари ва бошқа бунёдкорлик манзилларида ишлар кечаю-кундуз қизғин олиб борилятпти. Қурувчилар тумандаги олтита йирик иншоот қурилишини мустақиллигимизнинг олти йиллиги айёмида битказиб, улуғ байрамга тўёна этиш учун ғайрат қилишяпти. "Янги Сергели" кўчасидаги маданият ва истироҳат боғи ҳам ана шундай қурилиш майдонларидан бири. Умумий майдони 7,5 гектарни ташкил этувчи бу оромгоҳ ишга тушгач, гўзалликда шаҳарда тенги йўқ маскан бўлади. Туман ҳокимининг хўжалик ҳисобидаги капитал қурилиш бўлими (бошлиғи Чори Назаров) томонидан 9,5 минг метр ҳажмли сунъий кўл, "Саккизоёқ" болалар кафеси, оромгоҳга кираверишдаги аркли дарвоза, 3200 ўринли ёзги саҳна мажмуаси асосан қуриб битказилиш арафасида турибди. Шунингдек, бу ерда бош пудратчи -"Паркентсувқурилиш" бошқармасига қарашли 3- механизациялашган кўчма колонна, Республика ёшларининг "Камолот" жамғармаси қошидаги "Камолот" масъулияти чекланган жамият, ёпиқ турдаги "Стрела" ҳиссадорлик жамиятининг бунёдкорлари ҳам астойдил меҳнат қиляптилар. Бу боғни ҳақиқий халқ сайилгоҳи дейиш мумкин. Яқинда бу боғда ўтказилган умумхалқ ҳашарида тумандаги давлат ва жамоа корхоналари, савдо ташкилотлари ва хусусий фирмалар билан бирга кўплаб маҳаллалар аҳли ҳам фаол қатнашдилар.

... Ҳамма жойда иш қизғин. Туман ҳокими Мидҳат Йўлдошевни ҳам ҳашарчиларнинг ўртасида иш устида учратдик.

--Қаранг, ярим кундаёқ кўп ишлар бажарилди, -дейди Мидҳат Йўлдошев қувонч билан.- Бугун бу ерда тумандаги бюджет ташкилотлари - халқ таълими, соғлиқни сақлаш бўлимлари, маҳалла вакиллари ҳам ишлашяпти. Одамларнинг кайфиятини кўрдингизми, қандай кўтаринки, байрамона! Асосий дарвозанинг ёнидан эрталаб ўтганимда қурилиш чиқитлари, тош-тупроқлар уюлиб ётган эди. Энди ҳозир бир кўринг, ўша жойни!

--Анави фаввораға қаранг, - деди у кўл ўртасидаги "орол"дан осмону фалакка бўйлаётган сув "устуни"ни кўрсатиб.

--Бу "Гейзер" фаввораси, 30 метр баландликка отилади.

Ҳа, туман ҳокимининг суюниши бежиз эмас. Боғ чиройи кун эмас, соат сайин очилиб боряпти. Мана, кириш арки гумбазининг пўлат асослари ерда пайвандланиб, тахт қилинди.

Инсонга ризқ берувчи Онаер, яшил табиат ҳақидаги туйғулар билан бир зумда Сергели-8 мавзесига кириб борасиз. Диққатингизни энг аввало улкан автомобиль бозори тортади. Турфа хил автомобиллар қатор-қатор бўлиб тизилиб кетган. Бу ерда "ўзимизнинг" "Нексия", "Дамас","Тико"лар ҳам кун сайин кўпайиб боряпти. Юртбошимиз Асакадаги автомобиль заводининг очилиш чоғида юртимизда яшовчи ҳар бир оиланинг ўз шахсий автомобили бўлиши ҳақидаги орзуларини сўзлаган эди. Улкан бозор ва ундаги қизиқувчан харидорларни кузатаётиб, хаёлдан шундай ўй кечади : юртдошларимизда моддий- иқтисодий имконияти ортиб, машина сотиб олишга шароит туғиляптими, демак, бу тўкин келажакнинг хайрли истиқболларидандир! Бутун шаҳримиздаги каби, Сергели туманида ҳам улкан миқёсда қурилиш - ободонлаштириш ишлари қизғин олиб бориляпти. Бир неча маҳалла гузарлари, Қўйлиқ мавзесидаги шифохона, Сергели -5 мавзесида мактаб, туман марказидаги маданият ва истироҳат боғи - ҳаммасида ишлар бир зум ҳам тўхтамайди. Буларнинг бариси Мустақиллигимизнинг олти йиллик тантаналари арафасида очилиши кўзда тутилган. Туман иқтисодиёти - аллақачон чет элга маҳсулот сотаётган "Файз", "Сергели" мебель ишлаб чиқариш ҳиссадорлик жамиятлари, "Новатор" хусусий фирмаси каби кўплаб корхоналар пардозлаш ишларини бошлади. Бир томонда ер текисланиб, суғориш қувурлари ётқизиляпти. Йўлкаларга ҳовур чиқиб турган иссиқ асфальт тўкилиб, текисланяпти. Ҳар жойда электр пайвандларнинг "ялт-юлти" кўзга ташланади. Ерга ётқизилган кичик бетон плиталарнинг орасига қум тўкиляпти.

Бир сўз билан айтганда бу ерда меҳнат қайнамоқда.

**Бахтиёр ҲАЙДАРОВ, жамоатчи мухбир**





Суратлар муаллифи: А. ГЕРАСИМОВ

**ТОКИО.** Япония ташқи ишлар вазири Юкихико Икэда Ҳиндистон ҳамда Покистон раҳбариятини бутун дунёда ядро қуроли синовларини ялпи таъқиқлаш тўғрисидаги шартномага имзо чекишга ундаш мақсади билан хорижий сафарга чиқди.

Мазкур шартнома БМТ Бош Ассамблеяси томонидан ўтган йилнинг сентябрида қабул қилинган эди. Ушбу шартнома кучга кириши учун ядро қуролига эга бўлган 44 давлат томонидан тасдиқланиши лозим. Аммо Ҳиндистон, Покистон ва Шимолий Корея давлатлари ҳали-ҳануз шартномани имзолагани йўқ.

Япония ташқи ишлар вазири ўз сафари давомида Ҳиндистон ҳамда Покистон раҳбарияти билан учрашиб, мазкур масала бўйича музокаралар ўтказади.

* * *

**БАҒДОД.** БМТнинг Ироқдаги оммавий қирғин қуролларини йўқотиш бўйича махсус комиссияси Бағдодга келди. Мутахассислардан иборат мазкур комиссия мамлакат бош вазирининг ўринбосари Тариқ Азиз билан учрашиб, Ироқнинг бу борада махсус комиссия билан ҳамкорлиги, шунингдек, БМТнинг Ироққа қарши эълон қилган иқтисодий жазо чораларини бекор қилиш билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашади.

* * *

**ПРАГА.** Чехиянинг шарқий ҳудудларида юз берган тошқин туфайли 50 киши ҳалок бўлди, 80 мингдан ортиқ аҳоли бошпанасиз қолди. Шунингдек, табиий офат оқибатида 2 мингдан ортиқ турар-жой бинолари, автомобил йўллари ва йирик кўприклар вайрон бўлди. Чехиядан олинган маълумотларга қараганда, тошқин 3 миллиард АҚШ доллари миқдорида зарар келтирган.

* * *

**ДЕҲЛИ.** Ҳиндистон вице-президенти Кочерил Раман Нараянан расмий равишда мамлакатнинг янги президенти деб эълон қилинди. Ҳиндистон матбуотининг ёзишича, 14 июлда ўтказилган президент сайловида 77 ёшли К.Нараянан номзоди учун сайловчиларнинг 94,9 фоизи овоз берган. Унинг асосий рақиби марказий сайлов комиссиясининг собиқ бошлиғи Т.Сешан сайловчилардан 5 фоизининг овозини олган, холос. К.Нараянан янги лавозимдаги ишини ҳозирги президентнинг ваколат муддати тугаганидан сўнг, яъни 25 июлдан бошлайди.

**/ЎзА/**

## ЗАМОН, ВОҚЕАЛАР, ОДАМЛАР

## Миср: кеча ва бугун

Миср халқи ҳар йили 23 июлни Миллий байрам сифатида нишонлайди. Мамлакат ҳарбийлари тузган «Эркин зобитлар» гуруҳи 1952 йили мамлакатни инглиз мустамлакасидан озод этиб, монархия тузумига барҳам берган кундан буён ана шу сана Миср халқи учун эъзозли байрам ҳисобланади.

Асрлар давомида Миср халқи қанчадан-қанча мустабид ҳукмдорлар қийноғини бошдан кечирди. Узоқ тарихни-ку қўя турайлик, ўтган асрнинг охирларида, аниқроғи 1882 йилда инглиз мустамлакачилари Мисрни ўзига тобе қилиб олди. Бу ердаги табиий бойликлар олиб чиқиб кетила бошлади ва Миср хом ашё базасига айланиб қолди.

1921 йили Саъд Заглул бошчилигидаги ватанпарварлар халқ қўзғолони натижасида инглиз протекторати бекор қилиниб, Миср мустақил қироллик деб эълон қилинди. Шундай бўлса-да, Англия Мисрда ўз мавқеини ушлаб тураверди, яъни мамлакатдан ўз армиясини чиқармай, давлат идоралари назоратини сақлаб қолди.

Ниҳоят, 1952 йил 23 июль куни «Эркин зобитлар» гуруҳи Мисрни инглиз мустамлакаси ва подшолик тузумидан озод этди. Мамлакат Миср Республикаси, деб эълон қилинди. Мисрликлар ҳаётида янги давр бошланди. Янги ҳукумат барча жабҳаларда ислоҳотлар бошлади.

1981 йилда мамлакатнинг янги президенти этиб сайланган Муҳаммад Ҳусний Муборак ислоҳотларга янада зўр берди. Коммуникация тармоқлари, ишлаб чиқариш корхоналари замонавий техника билан таъминланди ва тўла қувват билан ишлай бошлади. Янги, замонавий шаҳарлар қурилди.

Ҳозирга келиб, ана шу ислоҳотлар самараси Миср ҳаётида тобора яққолроқ намоён бўлмоқда. Мамлакат цемент, ип-газлама, пойафзал, кийим-кечак ишлаб чиқариш бўйича араб дунёсида етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. Нефт—газ саноати ҳам Миср иқтисодиётининг таянч нуқталаридан бирига айланган. Мамлакатнинг асосий даромад манбаларидан яна бири сайёҳликдир. Мисрга йилига тўрт ярим миллион сайёҳ келади.

Мамлакатларимиз ўртасидаги алоқалар тўғрисида сўз юритганда, узоқ ўтмишга бориб тақалган бу алоқаларнинг бугунги кунда ҳам жадал ривожланиб бораётганини айтиш мумкин. Хусусан, аждодларимизнинг Буюк Ипак Йўли орқали савдо-иқтисодий ва маданий-маърифий соҳалардаги алоқалари ҳозир ҳам ўз аҳамиятини йўқотган эмас.

Мамлакатимиз мустақилликни қўлга киритгач, Ўзбекистон билан Миср ўртасидаги муносабатлар янада мустаҳкамлана борди. Араб дунёсида биринчи бўлиб Ўзбекистонни мустақил давлат сифатида тан олган ва биринчилар қаторида Тошкентда ўз элчихонасини очган мамлакат ҳам айнан Мисрдир.

Президент Ислом Каримовнинг 1992 йил декабрь ойида Миср Араб Республикасига буюрган расмий ташрифи ўзаро муносабатларимизни янги босқичга кўтаришда муҳим қадам бўлди. Ушбу ташриф асносида икки мам лакат ўртасида савдо-сотиқ, банк-молия, сармояларни ҳимоялаш, таълим ва бошқа соҳаларда ўзаро манфаатли ҳамкорликни йўлга қўювчи бир неча муҳим ҳужжат имзоланди. Бу билан, мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларнинг ҳуқуқий пойдеворига асос солинди.

**Алишер Ҳасанов, ЎзА шарҳловчиси.**



**Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1997 йил 22 июлдан бошлаб ҳисоб ва божхона тўловлари учун 1 АҚШ доллари сўмга нисбатан қийматини 66 сўм 09 тийин миқдорида белгилади.**

